

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Туронбанк»
акциядорлик тижорат банки
Кенгашининг
2017 йил 20 декабр даги
К-147-сонли баённомаси билан



19 Д.Б.Юнусов
М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази Бош директори



Б.А.Атаханов

№ Р-496 20 декабр 2017 йил
М.Ў.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги Қ А Р О Р

Эмитент – «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки

Берилган идентификация рақами:	R	U	1	2	0	P	0	4	9	6	R	9
--------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (нақдсиз) шаклидаги номинал қиймати 1 700 (Бир минг етти юз) сўм бўлган 121 263 709 800 (бир юз йигирма бир миллиард икки юз олтмиш уч миллион етти юз тўққиз минг саккиз юз) сўмлик 71 331 594 (етмиш бир миллион уч юз ўттиз бир минг беш юз тўқсон тўрт) дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпик обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ХХ (йигирманчи) чиқарилишдир.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2017 йил 20 декабр даги К-147-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг 2017 йил 20 декабр даги К-147-сонли мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Тел.: 202-01-01, 244-92-75;

Электрон почта манзили: info@turonbank.uz, расмий веб сайти: www.turonbank.uz;

Бошқарув Раиси

Ч.С.Мирзаев

Бош бухгалтер



М.Ў.

Х.Ф.Турсунов
20 декабр 2017 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номн ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):	Оддий
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:	хужжатсиз (накдсиз)
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларининг номинал қиймати (сўм):	1 700 сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларининг сони (дона):	71 331 594 дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):	121 263 709 800 сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари :

Банкнинг акцияларига эгалик қилиш акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларни беради.

Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Банк кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг баҳоси ҳақида ахборот олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни копланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилаётган эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар биржадан ташқари уюлмаган бозорда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан банк ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 156 717 339 000,0 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

- | | |
|--|------------|
| а) чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, донада | 92 186 670 |
| б) чиқарилган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг турлари | |

бўйича сони:

- | | |
|---------------------------------------|------------------|
| эгаси ёзилган оддий акциялар, дона | 87 219 170 |
| эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона | 4 967 500 |
| в) чиқариш шакли: | хужжатсиз шаклда |

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 30 сентябрь куни P0855-сон билан рўйхатга олинган:

- | | |
|--|---|
| а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли | -Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (накдсиз) облигациялар |
| б) чиқарилишдаги облигациялар сони | - 3 000 (Уч минг) дона |

- в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал киймати, сўм - 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм
- г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал киймати бўйича) сўм - 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 27 ноябрдаги №15-07/186-сонли қарорига асосан, P0855-ракам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувиغا асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301PO855R0) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2013 йил 26 апрель куни P0855-2 сон билан рўйхатга олинган:

- а) чиқарилишдаги облигациялар сони ва шакли - Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (накдсиз) фоизли облигациялар
- б) чиқарилишдаги облигациялар сони - 3 000 (Уч минг) дона
- в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал киймати, сўм - 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм
- г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал киймати бўйича) сўм - 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм

Ушбу чиқарилган облигациялар жойлаштирилган ва муомалада.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна):

(Ёпик обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпик обуна йўли билан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишини бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.

Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир ой муддат ичида жойлаштирилади.

Жойлаштирилиш бошланиш санаси – ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кун.

Жойлаштирилиш тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда.

11.3 Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар).

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тулиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.

Ушбу чиқарилаётган акциялар биржадан ташқари уюлмаган бозорда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан банк ўртасида туғридан-туғри шартнома тузиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4 Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгаллик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи функциясини бажарувчи – Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси:

Манзили: 100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10, телефон: 236-14-34, факс: 233-13-57, расмий веб-сайт: info@deponet.uz

11.5 Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).

Банк акциядорларининг 2017 йил 14 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан, ушбу акциялар чиқарилишида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланилмайди.

11.6 Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).

Ушбу чиқарилган акциялар 1700 сўмдан жойлаштирилади.

11.7 Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар туланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар туланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишиш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган).

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли ва 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3174-сонли Қарорларига асосан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акциялар бўйича тўловлар пул маблағлари билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган акцияларни жойлаштириш муддати тугаган санада ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг 60 фоизидан ортиқ қисми жойлаштирилмаган тақдирда акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади ва акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган пул маблағлари банк томонидан 10 кун ичида акциядорга тўлиқ қайтарилиб берилади ҳамда банк томонидан белгиланган тартибда акциялар чиқарилиши амалга ошмаганлиги тўғрисида **оммавий** ахборот воситалари орқали хабар берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Банкнинг қўшимча акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уйда жойлашган Бош Банкда ҳамда нусхалари билан банкнинг барча филиалларида танишиш мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида (www.uzse.uz) ҳамда «Туронбанк» АТБнинг расмий веб сайтида (www.turonbank.uz) қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

13. Бошқа маълумотлар:

Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

«Туронбанк» Акциядорлик тижорат банки

«Туронбанк» АТБ

«Turonbank» aksiyadorlik tijorat banki

«Turonbank» ATB

Акционерный коммерческий банк «Туронбанк»

АКБ «Туронбанк»

Joint-stock commercial bank "Turonbank"

JSCB "Turonbank"

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1990 йил 31 декабрь, 8-сон.

Лицензия рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган 8-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия.

Эмитентнинг асосий фаолият тури - банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:
10301000000009011001

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – акциядорлик жамияти.

Манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Солиқ органининг номи ва СТИР коди:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 201 055 108

Хос рақами (ОКПО) код 14825394

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури код 96120

МШТ бўйича мулкчилик шакли код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами код 1726277

Председатель Правления М.С. Ч.С. Мирзаев
Главный бухгалтер Х.Ф. Турсунов
Пронумеровано, В.С. Мирзаев
Прощуровано В.С. Мирзаев р/истов

